Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil
21-aprel,
payshanba

№ 47
(3708)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

## Ишлаб чиқариш ҳажми ошмоқда

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги «Oqsaroy textile» масъулияти чекланган жамиятига қўшимча замонавий дастгоҳ келтириб ўрнатилиши ишлаб чиқариш ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини берди.





Корхона йилига 4 минг 800 тонна ипкалава ва 248 минг тонна дағал мато ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотнинг асосий қисми экспортга йўналтирилмоқда. Айни пайтда бу ерда 600 нафар йигит-қиз иш билан таъминланган.

**СУРАТЛАРДА:** *лаборант Шоҳиста Ихтиёрова; ишчи Гулзода Ҳайдарова.*

**ЎзА фотомухбири Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган суратлар.**

Қишлоқ хўжалиги

**Президентимизнинг 2006 йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, боғдорчиликни ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.**

## Мева-сабзавот мўл бўлади

Ушбу ҳужжат ижроси доирасида боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини ислоҳ қилиш, юқори ҳосилдорликка эришиш, янги боғлар яратиш, кўчатларни турли касалликлардан асраш, навларни янгилаш, мева ва сабзавотнинг экспорт ҳажмини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

Андижон вилоятида боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган 1 минг 969 фермер хўжалиги самарали фаолият кўрсатмоқда.

Жорий йилда вилоятда 493,6 минг тонна мева, 71,4 минг тонна узум етиштириш режалаштирилган. Боғдорчиликнинг изчил ривожлантирилаётгани, хусусан, етиштирилаётган мева-сабзавотни хорижга сотиш вилоят экспорт салоҳиятининг юксалишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу йил 169,2 миллион долларлик мева-сабзавот экспорт қилиш кўзда тутилган.

Мавжуд боғлардаги кўчатларни янгилаш, янги боғлар яратиш ва боғ қатор ораларидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда вилоятда 968 гектар янги, 3 минг гектар интенсив боғ барпо этилмоқда. Уларга пакана ва ярим пакана мевали кўчатлар экилди.

Боғдорчилик борасида ўзига хос тажриба мактаби яратилган вилоятда боғ парваришида илғор технология ва тажрибалардан самарали фойдаланилмоқда. Боғлар ораларига сабзавот ва полиз экинлари экиш, улардан мўл ҳосил олиш яхши самара бераётир.

Хўжаобод туманидаги «Оқ йўл», «Обид хўжа», Қўрғонтепа туманидаги «Боғи Фурқат», Булоқбоши туманидаги «Абдурашид», Марҳамат туманидаги «Баланд дарвоза», «Жалолиддин сара боғлари», Жалақудуқ туманидаги «Тоҳиржон боғбон», Балиқчи туманидаги «Эргашали Усмон боғи», Асака туманидаги «Қамчибек ери», «Шархон жаннат мевалари» сингари илғор боғдорчилик фермер хўжаликларида ишлар намунали ташкил этилган.

Қўрғонтепа туманидаги «Боғи Фурқат» фермер хўжалигида мутлақо янги йўналишдаги боғдорчилик усули жорий этилган.

— Илғор ва самарали усуллар асосида иш юритиш муваффақиятлар омили бўлмоқда, — дейди Андижон вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бўлим бошлиғи Абдумуталлиб Сулаймонов. — Андижон қишлоқ хўжалиги институти олимлари ҳамда мутахассисларимиз томонидан вилоят шароитида интенсив боғлар яратиш, кўчатларни жойлаштириш, экиш технологияси, умуман, илғор усулларни жорий этиш бўйича тавсия ва услубий қўлланмалар тайёрланиб, соҳа ходимларига етказиб берилди. Узум ва мевали боғларни турли касаллик ва зараркунандалардан асраш, бу борада боғбонларга амалий ёрдам кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Ушбу йўналишда иш олиб бораётган фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирокида ўқув семинарлар ташкил этилиб, мутахассислар томонидан зарур тавсия ва маслаҳатлар берилмоқда.

Вилоятдаги боғларнинг асосий қисми қир-адирда жойлашган. Бундай шароитда сув танқислиги, тупроқда намликнинг узоқ сақланмаслиги ҳисобга олиниб, суғоришда тежамкор ва самарали усуллардан фойдаланилмоқда. Айниқса, томчилатиб суғоришнинг жорий этилиши сувни тежаш имконини бермоқда. Оддий усулда бир гектар майдондаги боғни суғориш учун 500-600 метр куб сув сарфланса, томчилатиб суғоришда бу кўрсаткич 250-300 метр кубни ташкил этади. Майдонни минерал ўғитлар билан озиқлантиришда ҳам бундай усулнинг қатор афзалликлари мавжуд. Ўғит сув билан эритма ҳолда айнан кўчат тупларининг ўзига берилади. Бу ҳосилдорликнинг ортиши билан бирга, нотекис ерларда тупроқ эррозиясининг олдини олишга ҳам хизмат қилмоқда.

Айни пайтда мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш ҳам доимий эътиборда. Хўжаобод туманидаги «Навигул» корхонаси, Балиқчи туманидаги «Андижон ўзбегим» очиқ акциядорлик жамияти, Марҳамат туманидаги кўп тармоқли «Манзур» фермер хўжалиги бу борада яхши натижаларга эришмоқда.

— 2003 йилда мевани қайта ишлашни бошлаган эдик, — дейди «Манзур» фермер хўжалиги раҳбари Жамолиддин Умаров. — Кейинчалик консерваланган бодринг, помидор ва томат пастаси тайёрлашни йўлга қўйдик. Ўтган йили 120 миллион сўмликдан зиёд қайта ишланган маҳсулот харидорларга етказиб берилди. Президентимизнинг 2016 йил 12 апрелдаги «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларимизни янги босқичга кўтариш, фаолиятимизни янада кенгайтириш ва экспорт ҳажмини оширишимизга хизмат қилади.

**Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

**Термиз шаҳрида ташкиллаштирилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказишга бағишланган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси ва ишчи гуруҳлари аъзолари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими вакиллари иштирок этди.**

## Масъулият — бош мезон

Йиғилишда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириб боришда маҳалла институтининг аҳамияти тўғрисида сўз юритилди. Миллий қадриятларимизга асосланган бу ноёб тизим бугун давлат ҳокимияти органлари ваколатидаги қатор вазифаларни муваффақият билан бажариб келмоқда.

— Вилоятимизда 125 та қишлоқ фуқаролар, 820 тадан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият юритмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси, вилоят кўмаклашувчи комиссияси раиси ўринбосари Ўрол Тошбоев. — Жойларда сайловларнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари хусусида тушунтириш ишлари ўтказилмоқда.

Йиғилишда ишчи гуруҳларнинг вазифалари, сайловда ошкоралик ва холисликни таъминлаш масалаларига атрофлича тўхталиб ўтилди.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Раёсат йиғилиши

## Тизимли фаолият — муваффақият омили

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг навбатдаги йиғилишида фаолиятга оид муҳим масалалар чуқур таҳлил этилди. Асосий эътибор жорий йил биринчи чораги давомида амалга оширилган ишларга қаратилди. Йиғилишни Федерация Кенгаши раиси Танзила Нарбаева олиб борди.**

Қайд этилганидек, касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишлари ижросини таъминлашга бирламчи вазифа сифатида ёндашилгани натижаси ўлароқ, меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, фуқароларнинг ижтимоий-меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муайян силжишларга эришилди.

Чунончи, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама қилиш жараёнида касаба уюшма мутахассислари фаол иштирок этди. Мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан киритилган меҳнат муҳофазасига доир 10 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ўрганиб чиқилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ 16 та идоравий норматив ҳужжат жамоатчилик экспертизасидан ўтказилди.

Яна бир эътиборли жиҳат, тизимда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашнинг ягона ва марказлашган тартибини жорий этиш, мурожаатларнинг ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида murojaat.kasaba.uz манзилида махсус марказлашган онлайн тизими яратилди. Ўтган вақтда касаба уюшма ташкилотлари томонидан меҳнаткашларнинг 685 та ёзма, 444 та оғзаки, 389 та «Ишонч телефонлари» ва 56 та интернет орқали жами 1574 мурожаати ўрнатилган тартибда кўриб чиқилди. Иш берувчилар томонидан меҳнатга оид қонунчилик ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида 20 та вазирлик ва идораларнинг малака ошириш муассасалари ўқув дастурларига меҳнат муносабатлари бўйича мавзулар киритилиб, касаба уюшма мутахассисларининг маърузалар билан иштирок этиши йўлга қўйилди.

Ҳисобот даврида ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш самарадорлигини ошириш, мехнаткашлар учун муносиб меҳнат шароити яратиш борасида изчил фаолият олиб борилди. 2014 — 2016 йиллар учун Бош келишувнинг ўтган йилги ижроси учтомонлама комиссияси томонидан таҳлил этилиб, жорий йилги вазифалар белгилаб олинди. Тадбиркорликка янада кенг йўл очиб берилиши, меҳнат муносабатларига оид амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларини такомиллаштиришга кўмаклашиш, ёшлар ва аёлларнинг ижтимоий мавқеини ошириш, улар учун белгиланган имтиёзлар берилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида йўлга қўйилган тизимли ишларни давом эттириш каби вазифалар шулар жумласидандир.

↘(2).



## «Саломатлик» поезди Қорақалпоғистонда

*«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди томонидан чекка туманларда яшовчи аҳолига тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида «Саломатлик» поездлари ташкил этиб келинмоқда.*

Яқинда озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон, тиббий анжом ва жиҳозлар, санитария-гигиена воситаларидан иборат мурувват ёрдами ортилган ана шундай поездлардан бири Қорақалпоғистон Республикасига жўнаб кетди. Бунинг учун «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан махсус вагонлар ажратилди. Юқори малакали шифокорлар гуруҳи билан бирга жойларда фонднинг Қорақалпоғистон Республикаси кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадаси ходимлари ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатаётир.

Экологик жиҳатдан ноқулай шароитда истиқомат қилувчилар, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, шунингдек, чекка қишлоқларда яшаётган аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аҳолининг тиббий саводхонлигини оширишга кенг жамоатчилик эътиборини жалб этишни мақсад қилган ушбу тадбир юртимиз ва Германия, АҚШ, Корея Республикасининг бир қатор халқаро ташкилотлари ҳомийлигида ташкил этилди.

**Ўз мухбиримиз**



Меҳнат муҳофазаси — устувор

>> 2



Эгнимизда адрасу-кимхоб бўлса...

>> 4

# Тизимли фаолият — муваффақият омили

↖(1).



«Меҳнат шароитлари ва муҳофазасини яхшилаш бўйича 2015 — 2016 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар дастури»нинг ўтган йилги ижроси Идоралараро ишчи гуруҳ йиғилишида муҳокама этилиб, жорий йилги йўналишлар келишиб олинди. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича сайланган вакиллар малакасини ошириш юзасидан Намунавий ўқув дастури ишлаб чиқилиб, жойларда ўқувлар ташкил этилди. Соҳа самарадорлигини янада ошириш мақсадида корхона, ташкилот ва муассасаларда «Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови»нинг 1- ва 2-босқичлари муваффақиятли ўтказилди.

Янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини амалга ошириш, эҳтиёжманд аҳолини, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш, бу борада жамоатчилик назоратини намунали йўлга қўйиш масалалари ҳам йиғилиш иштирокчилари эътиборида бўлди.

Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қарори билан тасдиқланган янги иш ўринларини яратиш дастури ҳамда жойлардаги ҳудудий дастурларда белгиланган иш ўринларининг ўз вақтида яратилиши бўйича жамоатчилик мониторинги олиб борилмоқда. Жойларда мутасадди идоралар билан ҳамкорликда аҳолини иш билан таъминлаш дастурининг бажарилишини, янги иш ўринлари ҳаққонийлигини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳларни шакллантириш, уларга депутатлар гуруҳларини жалб қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

Ўтган давр мобайнида касаба уюшма фаоллари томонидан 3 минг 449 та корхона ва ташкилотда ташкил этилиши белгиланган 26 минг 787 та янги иш ўрни ҳақиқатда яратилгани ўрганиб чиқилди. Шунингдек, ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиб қўйилган иш ўринларига фуқароларнинг талабига кўра, 15 минг 408 нафари ишга жойлаштирилди. Бўш иш ўринлари ярмаркаларида ҳам касаба уюшмалари фаол қатнашаётир. Иш ўринларида коллеж битирувчиларининг қўнимлилигини мониторинг қилиш амалиёти ҳар жиҳатдан ўзини оқламоқда. Ўтган давр мобайнидаги ўрганиш натижасида 75 минг 249 та корхонага 218 минг 851нафар битирувчи ишга жойлашгани ўз тасдиғини топди. Шунингдек, Федерация Кенгаши томонидан расмий бандлик афзалликларига бағишланган постер ва буклет тайёрланиб, аҳоли гавжум жойлар ва бозорларда тарқатиш, таълим муассасаларида ташкил этилаётган ўқувларда фойдаланиш учун ҳудудий бирлашмаларга етказилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда ҳуқуқларини ҳимоя килиш бўйича ҳам аниқ мақсадли ишлар амалга оширилди. Ер майдонларининг оптималлаштирилиши натижасида янги ташкил этилган 17 мингдан зиёд фермер хўжаликларида касаба уюшма ташкилоти тузиш ва жамоа шартномаларини имзолаш борасидаги фаолият янада жадаллашди. Жорий йил январ-феврал ойларида миллий ва халқаро меҳнат стандартлари, меҳнат муносабатларини расмийлаштириш, меҳнатни муҳофаза қилиш мавзуларида ўқув-семинарлар ўтказилиб, уларда 41,5 минг нафардан зиёд фермер иштироки таъминланди.

Кичик бизнес субъектлари раҳбарлари ўртасида касаба уюшма афзалликларини тарғиб этишга оид учрашувлар ҳар бир ҳудудда ташкил этилаяпти. Корхона ва ташкилотларда олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида жорий йилнинг ўтган даврида 7 мингдан ортиқ хўжалик субъектида меҳнат қилаётган 50 минг нафардан зиёд ходим касаба уюшма ҳимоясига олинди.

Аҳоли даромади ва турмуш даражасининг оширилишига, ходимлар учун меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни меъёрлаштиришнинг ижтимоий адолатли тизимини жорий этишга кўмаклашиш борасидаги ишлар янада кучайтирилди. Тизимли жамоатчилик мониторингини олиб бориш мақсадида Федерация Кенгаши томонидан «Иш берувчилар томонидан энг кам меҳнат ҳақи стандартларига риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини юритиш тизими», «Энг кам меҳнат ҳақи стандартларига риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини юритиш схемаси» каби намунавий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Раёсат аъзолари томонидан «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этаётгани қайд этилди. Давлат дастури асосида Федерация Кенгашининг дастури, барча ҳудудий бирлашма ва тармоқ касаба уюшмаларининг тегишли дастурлари тасдиқланиб, ўтган давр мобайнида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, жамоа келишуви ва жамоа шартномалари орқали корхона ва ташкилотларда 51 та ёш оилага узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш ҳамда уй-жой қуриш учун фоизсиз ссудалар ажратилди. Эҳтиёжманд ёш оилалардан 4 минг 217 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди. Боқувчисини йўқотган, камхарж оилаларнинг 997 нафар фарзанди учун ўқув анжомлари сотиб олинди. Фарзандлари икки ёшдан уч ёшгача бўлган 832 нафар аёлга моддий кўмак берилди. Чекка ва бориш қийин бўлган қишлоқлардаги ижтимоий кўмакка муҳтож, ишлаётган 328 нафар аёлнинг Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива каби тарихий шаҳарларга саёҳати уюштирилди.

Шу билан бирга, тасарруфдаги барча санаторийнинг мавжуд «Она ва бола» бўлимларида оилавий дам олиш учун барча зарур шароит яратилмоқда. Болалар учун ўйин майдончалари, бўлимларда алоҳида ўйин хонаси ажратилиб, тегишли тартибда жиҳозланмоқда. Эҳтиёжманд, кўп болали ҳамда олис ҳудудларда мураккаб иқлим шароитида яшовчи 50 нафар аёл тасарруфдаги «Бўстон» санаторийсида, фарзанд кўрмаган оилалар аъзоларидан 33 нафари «Умид Гулшани» санаторийсида бепул соғломлаштирилиши таъминланди.

Касаба уюшмалари республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, меҳнаткашлар маънавиятини юксалтириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш борасидаги фаолликни тобора оширмоқда. Жумладан, корхона ва ташкилотларда «Маънавият соатлари» изчил ўтказилаётир. Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-кизлар куни ҳамда Наврўз умумхалқ байрамлари муносабати билан турли акциялар, маданий-маърифий тадбирлар уюшқоқлик билан ташкил этилди. Бир гуруҳ ҳарбийлар, аёллар ҳамда эҳтиёжманд, хусусан, боқувчисини йўқотган ва ногирон инсонларга моддий кўмак кўрсатилди. Айниқса, умумхалқ хайрия ҳашари кунлари «Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллигига 25 туп кўчат — менинг туҳфам» шиори остида, касаба уюшмалари ташаббуси билан турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилгани эътиборга молик.

Таъкидлаш жоизки, меҳнаткашлар ўртасида спортни оммалаштириш, уларни спорт-соғломлаштириш тадбирларига кенг жалб этиш мақсадида корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари ва уларнинг оила аъзолари ўртасида «Соғлом оила» шиори остида ўтказилган 4 босқичли республика оилавий спорт мусобақалари иштирокчилар ва уларга мухлислик қилганларда катта таассурот қолдирди.

Ўтган даврда ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини сифатли соғломлаштириш тизимли давом эттирилди. Тасарруфдаги санаторийларда 26,5 минг нафардан ортиқ аҳоли вакиллари дам олдирилди. Уларнинг қарийб 30 фоизи имтиёзли равишда ўз саломатлигини тиклади. Тизим санаторийларида дам олувчилар учун қулай шарт-шароит яратиш, уларни замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилди.

Йиғилишда болаларни оромгоҳларда мароқли дам олдириш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда тайёргарлик ишлари бошлаб юборилгани қайд этилди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича 2016 йилга мўлжалланган Манзилли дастур» доирасида «Боғишамол», «Сурхон-Бешбулоқ-Шеробод», «Автомобилчи» оромгоҳларини реконструкция қилиш, шунингдек, Сурхондарё вилоятида янги «Амударё соҳили» оромгоҳини қуриш ишлари олиб борилаяпти.

Ўтган вақтда Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик муваффақиятли давом эттирилди. Чунончи, жорий йил 10–13 феврал кунлари ХМТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари учун Бюросига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси делегациясининг ташрифи ташкил этилиб, унда Ўзбекистонда 2014 – 2016 йилларга мўлжалланган Муносиб меҳнат дастурини амалга ошириш доирасида ўзаро ҳамкорлик чора-тадбирларининг ўтган йилги ижроси муҳокама қилиниб, жорий йилга мўлжалланган йўналишлар белгилаб олинди.

Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ҳамкорлик истиқболларини муҳокама этиш, Европа Парламенти депутатларини мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, аҳоли бандлиги ва ходимлар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасидаги тизимли ишлар билан яқиндан таништириш мақсадида жорий йил 29 февралидан 5 мартига қадар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси делегациясининг Брюссел шаҳрига ташрифи амалга оширилди.

Жорий йил 30-31 март кунлари Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси Бош котиби Шаран Барроу раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ташриф доирасида Вазирлар Маҳкамаси, Меҳнат вазирлиги, «Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи» акциядорлик жамияти, Самарқанддаги «Sam antep gilam» МЧЖ, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги 1-сонли академик лицейда ҳамда Тошкент шаҳри ва Самарқандда касаба уюшмалари фаоллари билан учрашувлар ташкил этилди.

Йиғилишда касаба уюшмалари тизимида жамоатчилик билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ахборот ишларини тубдан яхшилаш, тизимда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланишни таъминлаш ишларига эътибор қаратилиб, бу борадаги фаолиятни янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, Раёсат аъзолари томонидан Қорақалпоғистон Респубикаси, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятлари касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш натижалари муҳокама этилди. Мазкур ҳудудларда давр талабидан келиб чиққан ҳолда, касаба уюшмалари саъй-ҳаракатлари ўз ижобий самарасини бераётгани, тизим фаолиятининг устувор йўналишларини татбиқ этиш борасида яхши натижаларга эришилаётгани боис жамоат ташкилотига нисбатан аъзолар ишончи ортиб бораётгани, шу билан бирга, иш жараёнида айрим камчиликлар ҳам мавжудлиги, уларни бартараф этиш бўйича мутахассислар томонидан амалий ёрдам кўрсатилгани қайд қилинди.

Тараққиёт олдимизга янгидан-янги вазифаларни қўяётир. Бу тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари ва ҳудудий бирлашмаларда жамоатчилик билан алоқаларни ривожлантириш, фаолиятнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш йўналишларида олиб борилаётган ишлар муҳокамаси чоғида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди. Жумладан, ҳозирда оммавий ҳисобланган интернет имкониятларидан унумли фойдаланиш, тармоқлар ва ҳудудий касаба уюшмалари веб-сайтларини янада такомиллаштириш юзасидан тегишли фикрлар билдирилди. Бу борада муайян таклифлар ўртага ташланиб, вазифалар белгилаб олинди.

Бухоро ва Фарғона вилоятлари касаба уюшма ташкилотларида ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда электрон ҳужжат айланиш тизимининг жорий этилиши ва ундан самарали фойдаланиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам йиғилганлар диққат марказида бўлди.

Раёсат йиғилишида фаолиятга доир яна қатор масалалар кенг муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Акмал ТОШЕВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
*Икром ҲАСАНОВ олган сурат.*

Велоспорт

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида Ўзбекистон велосипед спорти федерациясининг 2012 — 2016 йиллардаги фаолиятига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

## Таҳлил ва танқид руҳида

Йиғилишни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси раиси Танзила Нарбаева олиб борди.

Тадбирда Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси раиси ўринбосари Елена Черникова ҳамда ташкилот бош котиби Исмоил Каримов амалга оширилган ишлар юзасидан маъруза қилди.

Қайд этиб ўтилганидек, сўнгги йилларда юртимизда велоспортнинг ривож топиши ҳамда кенг тарғиб этилишида салмоқли қадамлар ташланди. Айниқса, профессионал велоспортчиларга яратиб берилаётган кенг имконият ва қулайликлар улар томонидан қайд этилаётган натижаларга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўтган йилларда ЎзКУФК ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон велосипед спорти федерациясига тўртта «Дамас» автомашинаси, 5 та махсус мотоцикл, 273 дона пойга, 97 дона RTS, 60 дона АРАСН русумидаги профессионал велосипед олиб берилди. Шунингдек, пойтахтимизда қурилаётган махсус велотрек учун тегишли маблағлар ажратилди.

Республикамизнинг барча вилоятларида велосипед спорти бўлимлари ташкил этилгани ҳам айни муддао бўлди. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти «Велоспорт» бўлимига қабул квоталари сони 10 тагача оширилди. Шунингдек, турли ҳудудлардаги Олимпия захиралари спорт коллежлари таркибида «Велоспорт» бўлими ташкил этилиб, у ерда профессионал спортчиларимизга муносиб издошлар тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди.

Эътиборли жиҳати, сўнгги йилларда юртимиз велоспортчилари халқаро ареналарда муваффақиятли қатнашмоқда. Владимир Тўйчиев, Темур Гумеров, Дилмурод Сиддиқов, Дмитрий Панкратов, Роман Шукуров, Ренета Байметова ва бошқа кўплаб велоспортчиларимиз эришаётган натижалар мазкур спорт тури мутахассис ва ихлосмандлари томонидан эътироф этилмоқда.

Велоспортнинг оммавийлиги йўлида хизмат қилаётган бир қатор мусобақалар ҳам алоҳида таъкидга лойиқ. Биргина ўтган йилда ташкил этилган «Касаба-тур» веломарафонининг тўрт босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги 12594 та корхона, ташкилот ва муассасанинг 428 минг нафардан ортиқ ходими ғолиблик учун кураш олиб борди. Уларнинг 84 минг нафарини хотин-қизлар, 300 нафардан ортиғини меҳнат фахрийлари, ёши улуғ инсонлар ташкил этди. Қизғин беллашувлар ва дўстона руҳда ўтган мазкур спорт байрамига маҳаллалар аҳли ҳамда ёшлар ҳам кенг жалб этилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан ҳамкорликда уюштирилаётган «Камолот-тур» ҳамда «Эко-тур» веломарафонлари ҳам турли ёшдаги юртдошларимизни қамраб олаётгани билан диққатга сазовордир.

Йиғилишда Ўзбекистон велосипед спорти федерациясининг фаолияти танқидий-таҳлилий руҳда кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз**

Мавсум тараддуди

## Эътиборга қараб натижа

**Бир неча йилдан буён мамлакатимизда Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш Концепцияси асосида изчил фаолият олиб борилаяпти.**

Бухоро вилоятида ҳам кўрсатилаётган хизматлар сифати йилдан-йилга ортиб, ҳар бир бола оромгоҳда мазмунли дам олиши, жисмонан ривожланиши учун барча шароит яратилмоқда. Жумладан, ўтган ёз мавсумида шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларда 6606, мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳларда 11089 нафар бола ҳордиқ чиқарди.

Соғлом она ва бола йилида вилоятимизда 17 минг 200 нафар бола дам олдирилади. Айни кунларда 16 та шаҳар ташқарисида ва 112 та мактаблар қошида ташкил этиладиган кундузги оромгоҳлар мавсумга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Яқинда соғломлаштириш жараёнини намунали ўтказишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги масъул ходимлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, касаба уюшма фаоллари, оромгоҳларга ҳомий этиб тайинланган ташкилот раҳбарлари, ички ишлар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш соҳаси ва бошқа мутасадди идоралар вакиллари қатнашди.

Йиғилишни вилоят ҳокими, Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш бўйича вилоят Мувофиқлаштирувчи гуруҳ раиси Муҳиддин Эсонов олиб борди.

Унда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси, Мувофиқлаштирувчи гуруҳ раиси ўринбосари Ғулом Сафаровнинг ахбороти тингланди.

Йиғилишда барча туман, шаҳар ҳокимлари ҳамда мутасадди ташкилот раҳбарларига мавсумга тайёргарликни юқори даражада ташкил этиш топширилди. Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларига тегишли йўл-йўриқлар берилди.

**Розия НУСРАТОВА,**
**Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши матбуот котиби**

Кўрик-танлов





## Меҳнат муҳофазаси — устувор

**Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси ўртасида тузилган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2014 — 2016 йиллар учун мўлжалланган Бош келишув барча соҳаларда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, уларнинг меҳнатини муҳофазалаш ва хавфсиз иш ўринларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Шу ўринда «Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови»ни алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур кўрик-танлов вазирлик ва идоралар раҳбарлари, иш берувчилар ҳамда кенг жамоатчиликнинг эътиборини меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишга қаратиш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтиришга кўмаклашаётир. Бундан ташқари, иш берувчи томонидан ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароити яратилиши, меҳнат муҳофазасига оид қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоат назорати борасида касаба уюшмалари фаолияти самарадорлигини оширишда қўл келаётир.

Жумладан, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман, шаҳар кенгашлари тизимидаги 100 дан зиёд корхона ва ташкилот, шунингдек, уларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандислари мазкур кўрик-танловда қатнашиб, қуйи босқичларда фахрли биринчи ўринни эгаллаган 32 та корхона ва ташкилот Республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган эди.

Кўтаринки руҳда ва қизғин ташкил этилган кўрик-танловнинг тармоқ республика босқичида «Энг яхши корхона» йўналишида Бухоро вилояти «Шоҳруд» АЖ ғолиб бўлди. «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» ҳамда «Энг яхши касаба уюшма қўмитаси» йўналишларида эса мос равишда Хоразм вилояти «Хоразмдонмаҳсулотлари» АЖ ва Бухоро вилояти «Жондор пахта тозалаш» АЖ 1-ўринни қўлга киритишди.

Аҳамиятли жиҳати, мазкур тадбир Агросаноат тармоғи тизимидаги корхона ва ташкилотларда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитининг тўғри ва намунали ташкил этилиши, меҳнат унумдорлиги ошишига хизмат қилаётир.

**Ўз мухбиримиз.**
*Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.*

